

## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўразалиев Жахонгир Бахриддин ўғли

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети 2 босқич магистранти

Банк иши ва инвестициялар кафедраси

E-mail: [temur.baxriddinovich@mail.ru](mailto:temur.baxriddinovich@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола доирасида Инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва преференциялар қўллаш усулларини ривожлаштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, инвестиция, солиқ, сармоя, драйвер, инвестицион жозибadorлик, глобализация, рақобат.

### ABSTRACT

This article provides information on state support for investment projects, the development of methods of applying privileges and preferences.

**Keywords:** economy, investment, tax, investment, driver, investment attractiveness, globalization, competition.

### КИРИШ

Шиддат билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва уларни қўллаб қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиш бериш ўта муҳим масалалардан биридир. Ушбу турдаги корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки ҳар бир инвестор ўз сармоясини бирор худудга киритар экан уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир. Шу сабабдан солиқ имтиёзларини тўғри йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришилмасликка

олиб келади. Шунга кўра, иқтисодий фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

Давлат ривожланишида инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди бунга мисол тариқасида шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодий драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодийнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодийимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодийдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим” деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади.

Жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни кечмоқда. Глобализация жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида бугунги кунда ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойланиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган инвестиция сиёсати ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳити барпо этиш заруриятини кўрсатади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан (6-боб) Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкый ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш;

солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.

Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади:

инвестициялар ҳажмига;

инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига;

кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига.

Солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар қонунда белгиланган тартибда берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган преференциялар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан, шу жумладан муниципал объектларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан берилиши мумкин.

Имтиёзлар ва преференциялар тегишли ҳудудга инвестициялар киритишни назарда тутувчи инвесторларга мазкур ҳудуд инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда берилиши келтириб ўтилган.

Иқтисодчи - олимлардан А.Вахабов, Ш.Ҳажикакиев, Н.Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: “Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга”. Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи инвестиция муҳитини англатади.

“Инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Бу хусусда иқтисодчи-олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор

томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафқураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади”.

Илмий мақолада кўтарилган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилади.

Мазкур жараёнда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан инвестициялар ва хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш учун берилган имтёз ва преференцияларни ривожланган давлатлар иқтисодиётида инвестиция лойиҳалари ва хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги асосий калит усуллар ва ривожланиш омилларини таққосланади.

Сўнги 5 йил давомида давомида инвестиция лойиҳаларини қўллаб қувватлаш учун қонунчилик базасини яратиш, давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жаб этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасидаги лойиҳаларнинг устуворлигини таъминлаш, экспортни қўллаб қувватлаш соҳасидаги имтиёзлар натижасидаги иқтисодий кўрсаткичларни қиёсий таҳлил ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, Инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини янада такомиллаштириш натижасида келгуси беш йилликдаги иқтисодий ва ижтимоий истиқболлари Республика ва ҳудудлар мисолида прогноз кўрсаткичлар тақдим этилади.

## **НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда Республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишга ва

бу орқали дунёнинг ривожланган мамлакатларидан хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағларини жалб этишга эришилади.

Бунинг натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқариш технологияларини жорий этишга ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажмининг ортишига, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимоти ўсишига, ривожланган мамлакатлар бозорларига рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга ва энг муҳим жихатлардан бири бўлган янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

Шунингдек, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, юртимиз салоҳиятини тобора юксалтириш, келгуси йилларда янги замонавий қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини, иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилаётган ниҳоятда қулай инвестиция муҳитини иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради.

### **МУҲОКАМА**

Инвестор учун мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масала саналади. Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш устувор вазифадир. Бунда давлатнинг асосий вазифаси капитал жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини талаб этади. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “...инвестициялар жалб қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади” [1]. Шунингдек, ҳозирги кунда иқтисодий пандемия шароитида “иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади” [2].

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда ишлаб чиқариш технологияларини жорий этишга ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажмининг ортишига, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимоти ўсишига, ривожланган мамлакатлар бозорларига рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга ва энг муҳим жихатлардан бири бўлган янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь, Тошкент ш. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ЎРҚ-598-сон, 2019 йил 25 декабрь, Тошкент ш.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли қарори, 2019 йил 24 апрель, Тошкент ш.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги расмий сайти. <https://miit.uz/>